

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
2018 йил 2 июлда 3030-сон
билан рўйхатга олинган
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 28 апрелдаги
16/18-сон қарорига
ИЛОВА

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан
ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат
банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал
талаблар тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 25.09.2019 й. 3030-2-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 22.11.2019 й. 3030-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 07.09.2020 й. 3030-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 11.10.2024 й. 3030-9-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори

Муқаддима

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Истеъмолчига ахборот беришнинг
минимал талаблари

3-боб. Банкнинг истеъмолчи билан
муносабатларни ташкил этиши

4-боб. Қарздорлик юзага келганда банкларнинг
истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни
амалга ошириш

5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишга
қўйиладиган талаблар

6-боб. Яқуний қоидалар

1-илова. Кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш Тартиби

1а-илова. Кредит расмийлаштиришдан
олдин тўлдириладиган чеклист

2-илова. Кредитнинг асосий шартлари
тўғрисидаги ахборот варақаси

3-илова. Муддатли омонатнинг асосий шартлари
тўғрисидаги ахборот варақаси

3а-илова. Кредит картанинг асосий шартлари
тўғрисидаги ахборот варақаси
3б-илова. Ўзбекистон Республикасидаги омонатларни
кафолатлаш тизими тўғрисида ахборот
4-илова. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва улар билан
ишлаш бўйича электрон ахборот тизимига
кўйиладиган минимал талаблар

Мазкур Низом банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банк хизматлари истеъмолчилари (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) билан муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) фаолиятига кўйиладиган минимал талабларни белгилайди. (АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги муқаддима) (Олдинги таҳририга қаранг)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

истеъмолчилар - банк хизматидан фойдаланиш истагида банкка мурожаат қилган, ушбу хизматдан фойдаланаётган ёки олдин фойдаланган жисмоний ёки юридик шахслар;

шахсий кабинет - банкнинг расмий веб-сайтида, интернет-банкнинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида жойлаштирилган, истеъмолчига банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан ахборот олиш, шунингдек Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда хабарлар алмашиш орқали банк билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ахборот ресурси; (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

муурожаат - истеъмолчи (ёки унинг вакили) томонидан оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда банкка юборилган банк хизматларини кўрсатишга тааллуқли ариза, шикоят ёки таклиф;

кредит - банклар томонидан бериладиган кредит, микроқарз ва микрокредитлар. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

2. Истеъмолчилар банк ва банк хизматларини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Банк томонидан бир хизматнинг истеъмолчига қўшимча хизматдан фойдаланиш шarti билан кўрсатилиши тақиқланади.

3. Банк хизматлари банк ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома, шу жумладан оммавий оферта тарзидаги шартнома асосида кўрсатилади. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Шартномаларнинг матни истеъмолчилар тушуниши учун аниқ ва содда тарзда баён этилиши ва компьютер воситасида босиб чиқаришда "Times New Roman" 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланилиши лозим.

Шартномаларнинг матни давлат тилида тузилади. Истеъмолчи ва банкнинг ўзаро келишувига мувофиқ шартнома матни бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

2-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИГА АХБОРОТ БЕРИШНИНГ МИНИМАЛ ТАЛАБЛАРИ

1-§. Маълумотлар беришнинг умумий минимал талаблари

2-§. Банкнинг расмий веб-сайтида ахборот бериш хусусиятлари

3-§. Банк фаолиятга оид реклама тусидаги ахборотлар бериш

4-§. Истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми

1-§. Маълумотлар беришнинг умумий минимал талаблари

4. Банк томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар тўғрисида маълумотлар истеъмолчига ошкор этилиши лозим.

Хизматлар тўғрисидаги маълумотлар тижорат ёки банк сирини ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Банк хизматларини тақдим этиш шартлари, ушбу шартларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, шунингдек банкнинг ахборот стендларида доимий равишда жойлаштириб борилиши керак.

Бунда, банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумот кучга киришидан камида ўн кун олдин, валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумот зудлик билан эълон қилиниши лозим.

(АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

6. Истеъмолчиларга банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар шартномалар тузилишидан аввал бепул тақдим этилиши ва таништирилиши шарт.

6-1. Истеъмолчи банк хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани (кредит, депозит, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш, лизинг, банк карталари ва бошқалар бўйича) имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли.

Банк истеъмолчини ушбу ҳуқуққа эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

Банк хизматлари масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кўрсатилганда, банк истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур тизим орқали шартнома шартлари билан танишиб чиқиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

(АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

7. Банк ўзининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга давлат тилида етказиши лозим. Банкнинг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар кўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.

(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

8. Истеъмолчиларга банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ ва тўғри тушунтирилиши лозим.

Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар қоғоз шаклда берилганда "Times New Roman" 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш керак.

9. Банк томонидан кредит ва омонат (депозит) бўйича хизмат кўрсатиш даврида истеъмолчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида унга куйидаги ахборотлар ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этилади:

а) кредит бўйича (ахборот берилган санасини кўрсатган ҳолда):

кредитлаш лимити;

кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;

асосий сумма бўйича қарз қолдиғи;

навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали);

кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;

муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;

келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар;

б) омонат (депозит) бўйича (ахборот берилган санасини кўрсатган ҳолда):

ахборот берилган санага омонат (депозит) қолдиғи;

ахборот берилган санага омонат (депозит) бўйича ҳисобланган жами фоиз суммаси, шу жумладан тўланган фоиз суммаси.

(АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

10. Банк истеъмолчининг талабига кўра куйидаги ҳужжатларнинг банк томонидан тасдиқланган нусхаларини бепул (битта банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича бир марта) беришга мажбур:

банк ва истеъмолчи томонидан имзоланган банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартномасини;

истеъмолчи томонидан берилган ариза (агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай аризининг расмийлаштирилиши мажбурий бўлса ёки банкнинг ички қоидаларига асосан банк хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида бундай аризани расмийлаштирилиши шарт бўлганда);

истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ордер, тўлов топшириқномаси, электрон тўлов воситасига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома);

кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (маълумотнома).

Банк истеъмолчининг талабига кўра мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни уларни тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ эвазига чекланмаган тарзда тақдим этиши мумкин. Бундай ҳужжатларни тақдим этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳақида банк томонидан истеъмолчига асосли равишда ёзма хабар берилиши керак.

11. Банк истеъмолчиларга маълумот бериш учун банк хизматини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида улар билан боғланиш алоқа воситаларини келишиб олиши ва ушбу алоқа воситалари орқали боғланиш имкониятини таъминлаши лозим.

12. Истеъмолчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш иш куни ичида банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартнома, истеъмолчи томонидан берилган ариза ва истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)

12-1. Банк истеъмолчига ёки унинг ваколатли вакилига банк хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этиши керак.

Агарда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тузилганда, банк истеъмолчига ушбу шартнома тузилган кунда, мазкур тизимлар орқали шартномадан фойдаланиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиши шарт. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

(АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

2-§. Банкнинг расмий веб-сайтида ахборот бериш хусусиятлари

13. Банк ўзининг расмий веб-сайтига эга бўлиши шарт.

Расмий веб-сайтга жойлаштирилаётган ахборотларнинг санаси кўрсатилиши керак. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

14. Банкнинг расмий веб-сайтида сайтнинг тузилишини баён этувчи, ушбу тузилмадаги расмий веб-сайтнинг ҳар бир саҳифаси жойлашган жойни қулай шаклда аниқлаш имконини берувчи бўлим бўлиши керак.

15. Банкнинг расмий веб-сайти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ бўлиши керак.

16. Банкнинг расмий веб-сайтидаги ахборотдан фойдаланишда:

истеъмолчилар зарур маълумотлардан хоҳлаган пайтида танишиб чиқиш ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Маълумот билан танишганлик ёки ундан бошқача тарзда фойдаланганлик учун ҳақ ундирилмаслиги ҳамда бошқа чекловлар қўйилмаслиги лозим;

истеъмолчи маълумот билан бепул ва кенг тарқалган дастурий таъминот ёрдамида фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим;

ахборот шифрланган ёки бошқа воситалар орқали ҳимояланган бўлмаслиги керак;

банк ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборотдан (истеъмолчининг шахсий кабинетига жойлаштирилган ахборотдан ташқари) фойдаланиш учун истеъмолчидан рўйхатдан ўтиш ёки шахсий маълумотларини тақдим этишини, шунингдек у билан турли хил битимлар тузишни талаб қилишга ҳақли эмас.

17. Банк расмий веб-сайтнинг мазкур банк ва кўрсатилаётган банк хизматлари шартлари тўғрисида ахборотларни ўз ичига олган бўлимига веб-сайтнинг бош саҳифасидан гиперхаволалар орқали бир ўтишда кириш учун имкони яратилган бўлиши керак.

18. Банк ўзининг расмий веб-сайтида, интернет-банкнинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида истеъмолчи учун шахсий кабинет яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши лозим.

Банк истеъмолчига унинг шахсий кабинетига:

кредит шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлардан;

омонат (депозит) шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда омонат қолдиғи, омонат бўйича кирим-чиқим операцияларига доир маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

18-1. Банклар ўзларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек мобиль иловаларида (агар мавжуд бўлса) жисмоний шахсларга мўлжалланган кредитларнинг тўлиқ қийматини мустақил ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

3-§. Банк фаолиятига оид реклама тусидаги ахборотлар бериш

19. Реклама тусидаги ахборот истеъмолчининг ишончини суиистеъмол қилмайдиган тарзда ва (ёки) истеъмолчининг тажрибаси ва билими етишмаслигидан фойдаланишни кўзламаган ҳолда тақдим этилиши лозим.

20. Реклама тусидаги ахборот бевосита ёки билвосита, икки хил маънода қўллаш ёки ошириб кўрсатиш воситасида истеъмолчини чалғитиши, хусусан банк хизматининг шартлари юзасидан истеъмолчининг танловига таъсир ўтказмаслиги керак.

21. Реклама берувчи банк Интернет тармоғида контекстли рекламани жойлаштиришда бошқа кредит ташкилотининг фирма номи ва (ёки) товар белгисидан калит сўзлар сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

22. Реклама берувчи банк истеъмолчига нотўғри ахборот тақдим этилишига йўл қўймаслик мақсадида ўз расмий веб-сайтини бошқа кредит ташкилотининг илгари эълон қилинган расмий веб-сайтига ўхшатиб ниқобламаслиги керак.

4-§. Истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми

23. Банкнинг ахборот стендларида ва расмий веб-сайтида қуйидаги ахборотлар жойлаштирилиши шарт:

банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, манзили, филиаллари манзиллари, иш вақти, боғланиш учун алоқа телефонлари, расмий веб-сайти ва электрон почта манзили; мазкур Низомнинг матни;

истеъмолчиларга банк хизматларини кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати, шу жумладан банк хизмати бўйича намунавий шартномалар матни (фақат расмий веб-сайтда); (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

банк операциялари бўйича тарифлар, фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақлари тўғрисида;

чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш курслари, чет эл валюталарини алмаштириш курслари, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдорлари (агарда мавжуд бўлса); (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ олтинчи ва еттинчи хатбошилар еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, шу жумладан мурожаат қилиш усуллари ва улар йўлландиган манзиллар тўғрисида;

истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, шу жумладан низони судгача ҳал этиш имконияти ва усуллари ҳақида.

24. Банк истеъмолчини тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида хабардор қилиши, шунингдек истеъмолчининг талабига кўра мазкур Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ахборотни тақдим этиши шарт.

Тақдим этилаётган хизматларнинг шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотни беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

24-1. Банк омонатчилар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган чекловлар ўрнатишга ҳақли эмас. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

24-2. Банк омонати (депозити) шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бунда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганда, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда офертани акцептлаш орқали ҳам расмийлаштириш мумкин. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

24-3. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати (депозити) шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз шаклда келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

24-4. Банк омонатчига унинг пул маблағлари омонатга қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатни ёзма шаклда ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон тарзда тасдиқлаб бериши лозим. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

24-5. Банкдаги омонатлар (депозитлар) Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ кафолатланган бўлса, омонат (депозит) шартномаси ёки банк ҳисобварағи шартномасида бу ҳақида кафолатланадиган маблағларнинг суммасини кўрсатган ҳолда маълумотлар акс эттирилиши шарт. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

25. Банк омонати шартномаси шартларига омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни банк томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмайди.

26. Банк омонати (депозит) шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига оғзаки тарзда қуйидаги ахборотни тақдим этади:

омонат (депозит) тури (талаб қилиб олгунча, муддатли, жамғарма);

омонат (депозит) муддати (мавжуд бўлганда);

омонатнинг (депозитнинг) энг кам суммаси;

мукофот ставкалари;

қўшимча битим тузмаган ҳолда омонат (депозит) муддатини узайтириш шартлари;

омонатни (депозитни) тўлдириш имконияти;

омонатни (депозитни) тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтариб олиш шартлари;

фоиз ставкалари;

омонат (депозит) бўйича асосий сумма ва фоизли даромадларни тўлаб бериш тартиби;

омонатга (депозитга) қўшимча маблағ киритиш имконияти;

омонатга (депозитга) нақд пулларни кирим қилиш қандай ҳужжат билан расмийлаштирилиши;

Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ кафолатланадиган пул маблағлари ҳамда кафолатланган омонатлар бўйича компенсация суммаси; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

омонатга (депозитга) қўйиш мақсадида банк кассасига нақд пулларни топшириш ёки банк ҳисобварағига маблағларни ўтказишдан аввал банк билан депозит шартномасини расмийлаштириш шартлиги;

банк омонати (депозити) шартномаси бўйича назарда тутилган банк ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги тўғрисида.

Банк омонати (депозит) шартномаси масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали тузилганда, банк мазкур тизим орқали истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур бандда кўрсатилган маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

27. Кредит шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига қуйидаги ахборотни тақдим этади:

кредит олиш учун қарз олувчига қўйиладиган талаблар;

кредитнинг тури;

кредитнинг энг кўп миқдори ва валютаси, шу жумладан чет эл валютаси билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликлари (чет эл валютаси бўйича курслар ўзгариши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик) ҳақида огоҳлантиради;

кредитдан фойдаланиш муддати;

фоиз ставкасининг йиллик номинал қиймати, ўзгарувчан фоиз ставкалари қўлланилганда эса уларни аниқлаш тартиби, шунингдек истеъмолчи-жисмоний шахслар мурожаат қилган санадаги кредитнинг тўлиқ қиймати. Бунда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш мазкур Низомнинг 1-иловасига

мувофиқ тартибда амалга оширилади; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш бошланадиган сана ёки уни аниқлаш тартиби;

воситачилик ҳақлари, тарифлар ва кредит олиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларнинг батафсил рўйхати ва миқдорлари;

кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда истеъмолчининг жавобгарлиги ва таваккалчиликлари;

кредит бериш, шу жумладан масофавий хизматлар кўрсатиш тизимлари орқали кредит бериш усуллари;

қарз олувчининг кредитни қайтариш, кредит бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш чоғидаги тўловларининг даврийлиги;

гаровга қўювчи, кафил (кафолат берувчи) ва кредит шартномасининг тарафи ҳисобланган бошқа шахснинг жавобгарлиги;

банк ва истеъмолчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ундириш жараёнида истеъмолчининг ҳуқуқлари, шунингдек банк хизматларини кўрсатиш шартномасида кўзда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар;

истеъмолчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, кредитни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш муддатлари;

кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати;

кредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш турлари;

кредит таъминотига қабул қилинадиган гаров турлари (агар гаров талаб қилинса) ва уларга қўйиладиган талаблар; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

кредитни муддатидан олдин сўндириш тартиби;

кредит шартларини ўзгартириш тартиби, шу жумладан қарздорликни қайтариш муддатларини қайта кўриб чиқиш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш тартиб-таомили.

(АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

27-1. Банк олдидаги мажбуриятлар таъминоти сифатида мулкани гаровга қўяётган ёки кафил бўлаётган учинчи шахсларга келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар, хусусан қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, кредит бўйича юзага келган қарздорликларни қоплаш учун қонунчиликка ва шартномага мувофиқ учинчи шахснинг гаровдаги мол-мулкига ёхуд кафилнинг мол-мулкига ундирув солидар ёки субсидиар жавобгарлиги тартибида қаратилиши мумкинлигини тушунтириши лозим. (АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

28. Банк истеъмолчини қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий аҳволини таҳлил қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши лозим:

истеъмолчининг қарз юки жорий молиявий аҳволига мос келиши;

банк хизматини кўрсатиш шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини бажариши учун тахминан қайси муддатларда ва қанча миқдорда пул маблағлари келиб тушиши кутилаётганлиги (масалан, жисмоний шахслар учун - иш ҳақи тўланиши, бошқа даромадлар олиши даврийлиги);

кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юз бериши эҳтимоли (шу жумладан жисмоний шахслар учун - ишини йўқотиш, ўзига боғлиқ бўлмаган

сабабларга кўра иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларни кечикиб олиши, ишга жойлашиши, соғлиғининг ёмонлашганлиги натижасида даромадларининг тушиб кетиши).

Банклар кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан сўнг, бироқ кредит шартномаси расмийлаштирилишидан (оферта тасдиқланишидан) олдин, истеъмолчи-жисмоний шахсларга кредит мажбуриятлари билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликлар тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1а-иловасида келтирилган шаклдаги чеклистни тақдим этишлари шарт. (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Мазкур чеклист: (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

банк биносига ташриф буюрганда, кредит расмийлаштириш усулидан келиб чиқиб - қоғоз ёки электрон шаклда истеъмолчи-жисмоний шахсга тақдим этилади. Бунда истеъмолчи-жисмоний шахс чеклистдаги ҳар бир бандни ўқиб танишганлигини махсус белги билан белгилайди ҳамда чеклистни кўлда имзо қўйиш орқали тасдиқлайди; (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кредит расмийлаштирилаётганда - истеъмолчи-жисмоний шахс чеклистдаги ҳар бир бандни ўқиб танишганлигини махсус электрон белги билан белгилайди ҳамда чеклистни тасдиқлаш тугмасини босади. Бунда барча белгиларни қўйиш ва тасдиқлаш тугмасини босиш факти банкнинг автоматлаштирилган тизимида сана, вақт, IP-манзил ва истеъмолчи-жисмоний шахснинг идентификаторларидан бири кўрсатилган ҳолда қайд этилиши лозим. (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Чеклист кредит шартномаси ҳужжатлари билан биргаликда банкда ёки банкнинг ахборот тизимларида сақланади. Истеъмолчи-жисмоний шахс чеклистдаги барча бандлар билан танишганлигини белгиламагунча ҳамда чеклистни тасдиқламагунча кредит шартномасини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

28-1. Банклар молиявий қийинчиликлар, мураккаб ҳаётий вазиятларга тушиб қолган ҳамда форс-мажор ҳолатлари туфайли ўз вақтида кредит тўловларини амалга оширишга қийналаётган истеъмолчиларнинг амалдаги кредитлари бўйича кредит шартномаси шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (реструктуризация) имкониятлари борасидаги аризаларини кўриб чиқиш тартибига эга бўлиши ва ушбу тартибни банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштириши шарт.

Мазкур тартиб камида қуйидагиларни ўз ичига қамраб олиши лозим:

кредит шартномаси шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг (реструктуризация) турлари (масалан, кредит тўловлари муддатини узайтириш, кредит фоиз ставкасини қайта кўриб чиқиш, кредит тўловларини кечиктирганлик учун жарима ва пенялар миқдорини камайтириш ва бошқалар);

кредит шартномаси шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга (реструктуризацияга) асос бўладиган молиявий қийинчиликлар, мураккаб ҳаётий вазиятлар ҳамда форс-мажор ҳолатлар рўйхати;

истеъмолчининг аризаларини қабул қилиш, рўйхатга олиш тартиби ҳамда аризага илова қилинадиган зарур ҳужжатларнинг рўйхати;

истеъмолчининг аризаларини кўриб чиқиш муддатлари;

қабул қилинган аризаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари;

ариза бўйича банк томонидан қабул қилинган қарор ҳақида истеъмолчига хабар бериш тартиби ва муддати;

ариза қаноатлантирилган тақдирда, кредит шартномаси ҳамда унинг иловаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби;

аризани қанотлантиришни рад этиш бўйича қарор қабул қилинганда, бу тўғрисида асослантирилган ҳолда аризага хабар бериш тартиби.

Бунда ушбу тартибда ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олган аёлларнинг амалдаги кредитлари бўйича тўловлар муддатини ўн ойгача узайтириш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш бўйича қоидалар мажбурий тарзда акс эттирилиши лозим.

(АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

29. Банк истеъмолчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида, шу жумладан истеъмолчига нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида истеъмолчининг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли тўғрисида ахборот беради.

30. Банк сўровига жавобан истеъмолчи томонидан тақдим этилган маълумотлар - тузилаётган кредит шартномасининг шартларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида истеъмолчи огоҳлантирилиши зарур.

30-1. Истеъмолчи-жисмоний шахс кредит, шу жумладан кредит картасини олиш ёки омонат ҳисобварағи очиш учун банкка мурожаат қилганида (банк биносига истеъмолчи ташриф буюрганда) банк мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ кредитнинг, 3-иловасига мувофиқ муддатли омонатнинг ҳамда 3а-иловасига мувофиқ кредит картанинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини (бундан буён матнда Ахборот варақаси деб юритилади) истеъмолчи - жисмоний шахс билан биргаликда тўлдиради ва истеъмолчи - жисмоний шахсга тақдим этади.

Бунда мобиль илова орқали кредит, шу жумладан кредит картасини олишда ҳамда муддатли омонат очишда, банк томонидан истеъмолчига ахборот варақаси билан танишиб чиқиш ва уни юклаб олиш имконияти яратилиши лозим.

Банк ўзининг расмий веб-сайтида истеъмолчиларга тақдим этилаётган омонат, кредит, шу жумладан кредит карта маҳсулотлари бўйича Ахборот варақасининг интерактив шаклини мустақил равишда тўлдириш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ахборот варақаси истеъмолчи - жисмоний шахсга бепул тарзда тақдим этилади ҳамда кредит, шу жумладан кредит картасини олиш ёки омонат ҳисобварағи очиш учун буюртманомга ҳисобланмайди.

(АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

3-БОБ. БАНКНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

1-§. Банк томонидан истеъмолчи билан муносабатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари

2-§. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича минимал талаблар

3-§. Тижорат банкларининг мижозларга хизмат кўрсатишда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун санкцияларни қўллаш

3-§. Омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этиш

1-§. Банк томонидан истеъmolчи билан муносабатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари

31. Истеъmolчида банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатлари юзасидан саволлар юзага келганда, банк истеъmolчига ушбу саволларнинг моҳияти бўйича асосли жавоб ва бошқа тегишли тушунтиришлар бериши шарт. Бунда, банк истеъmolчиларга қарз тўлашдан бўйин товлаш ва (ёки) уни тўламаганлик учун жавобгарликдан қочишнинг усули ва йўллари кўллаш, шунингдек бошқа шунга ўхшаш масалалар юзасидан (шу жумладан бошқа молия ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган банк хизматлари бўйича ҳам) маслаҳат бериш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

32. Истеъmolчи оғзаки маслаҳат сўраб мурожаат қилганда кутиш муддати ўттиз дақиқадан ошмаслиги керак.

33. Банк фаолиятида инсофсиз хизмат кўрсатиш амалиётларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди, жумладан:

истеъmolчи бошқа кредит ташкилоти билан банк хизматини кўрсатиш шартномасини тузишига тўсқинлик қилиш мақсадида банк томонидан кредит бюросига ёки бошқа ташкилотларга нотўғри ахборот бериш;

истеъmolчиларга субординар қарзни омонат (депозит) ёки омонатга (депозитга) тенглаштирилган қарз сифатида таклиф этиш; (АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ учинчи ва тўртинчи хатбошилар тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

истеъmolчи учун мақбул шартларда расмийлаштирилган бошланғич қарзни қайтариш мақсадида уни бошқа кредит шартномасини тузишга рағбатлантириш;

истеъmolчиларга кредит олиш бўйича аризасида (сўровида) кўрсатилган миқдордан ортиқча суммада кредит таклиф этиш ҳамда уни олишга ундаш; (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

кредит қарздорликларини давлат томонидан фуқароларга ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдам маблағлари, шу жумладан ижтимоий карта ҳисобварағига келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан ундириш; (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

кредит шартномасида ёки унга илова қилинган кредитни қайтариш жадвалида тўловлар бўйича белгиланган календарь санага қадар кредит тўловларини ундиришга талаб қўйиш, бундан истеъmolчи томонидан банкнинг автотўлов хизматидан фойдаланиш даврида кредит тўловларининг ечиб олиниши ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатлар мустасно; (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ бешинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин

истеъmolчиларнинг қарзи миқдорини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширганлиги учун банк ходимларини мукофотлаш ва рағбатлантириш тақиқланади.

34. Истеъмолчиларга кредитлар бўйича хизмат кўрсатаётганда банклар кредитлаш жавобгарлигининг ҳалоллик, шаффофлик, ишончлилик, шерикчилик муносабатлари, иқтисодий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олиш тамойилларига риоя қилишлари шарт.

35. Банк:

кредит бўйича номинал ва реал фоиз ставкаларни кредит бериш санасидаги эълон қилинган фоиз ставкалари кўрсаткичларидан оширмаслиги (фоиз тўловлари номинал ставка бўйича кредит асосий суммасининг камайиб борадиган қолдиғига ҳисоблаб ёзилади);

кредит шартномаси тузилгунга қадар мазкур Низомнинг 27-29-бандларига мувофиқ ахборот истеъмолчига маълум қилиши;

кредит шартномаси тузилгунга қадар қарз олувчининг тўловга қобилиятлилиги пухта ўрганиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмолчидан ундирилиши тақиқланган қўшимча йиғимлар, воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни кредит шартномаси шартларига киритмаслиги;

кредит ёки лизинг шартномасида шартнома тузилгандан кейин ва мижоз томонидан пул маблағлари олингунга ёхуд лизинг бўйича мол-мулк учун тўлов амалга оширилгунга қадар бўлган даврда истеъмолчининг кредит ёки лизинг олишдан бепул асосда воз кечиш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит шартномасида жарима санкцияларини ундирмаган ҳолда исталган вақтда истеъмолчининг кредитни (лизингни) муддатидан олдин сўндириш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит қарздорлиги бўйича ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи ва неустойкаларнинг (пеня, жарималар) энг кўп умумий суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигини назорат қилиши;

гаров предмети сифатида қўйилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибида ундирилиши мумкинлигини ва у оммавий савдолар орқали реализация қилинишини (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) истеъмолчига маълум қилиши;

кредит шартномасининг шартларига қарз олувчининг ҳуқуқларини чекланишига ва/ёки мажбуриятларини оширилишига олиб келувчи ўзгартиришларни бир томонлама киритилиши йўл қўйимаслиги лозим.

35-1. Тижорат банкларига:

кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитларни муддатидан илгари қолаш учун неустойка (жарима, пеня) ундириш; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

кредит шартномасига қарздорнинг кредит ажратилган банкда ёки бошқа банкда очилган ҳисобварақларида ҳар қандай давр мобайнида маълум миқдордаги камаймайдиган пул маблағи қолдиғи ёки айланмаси мавжуд бўлиши, шу жумладан кредитни қайтариш жадвалида белгиланган навбатдаги тўловни қолаш учун етарли маблағ сақлаши юзасидан шарт киритиш; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ тўртинчи ва бешинчи хатбошилар бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар бериш ва кредитлар бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

илгари олинган кредитлар бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

35-2. Банкнинг дастурий таъминотида юзага келган носозликлар истеъмолчиларнинг мажбуриятларини ортишига ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига олиб келмаслиги лозим. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

35-3. Банклар томонидан молиявий хизматлар кўрсатиш жараёнида, шунингдек банкнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали хизматлар кўрсатилаётган пайтда қуйидаги ҳолатларнинг жорий этилишига йўл қўйилмайди:

истеъмолчининг хоҳиш-иродасини ифодаловчи ҳар қандай белгиларни (масалан, белги қўйиш майдончалари, силжитма тугмалар ва шунга ўхшашларни) олдиндан ўрнатиб қўйиш ёки танлаб қўйиш;

кредит параметрлари кўрсатилган майдончаларни, шу жумладан кредит суммаси, муддати ҳамда тегишли аризадаги истеъмолчининг даромади тўғрисидаги маълумотларни олдиндан тўлдириш.

Бунда агар банк истеъмолчига тегишли танловни таклиф қилса, унга кредитни расмийлаштириш жараёнида мустақил равишда белгини қўйиш, кредит параметрларини мустақил белгилаш ва бошқа майдончаларни тўлдириш имконияти берилиши керак (масалан, кредит бюросидан кредит ҳисоботини сўраш, реклама тусидаги ахборотни юбориш, масофавий молиявий хизматни улаш, банк хизматларининг умумий шартлари билан танишганлигини тасдиқлаш, банк тарифларини қабул қилиш ва шунга ўхшаш белгилар).

(АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

35-4. Банкларнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали хизматлар кўрсатилаётган ҳолларда, агар истеъмолчи таклиф этилаётган шартноманинг (офертанинг) барча саҳифаларини (қисмларини) тўлиқ кўздан кечирмаган бўлса, хизмат кўрсатиш шартларига розиликни билдирувчи тугмани босиш имконияти берилмаслиги шарт. (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36. Кредит бўйича тўловларни кредит шартномаси валютасидан бошқа валютага боғланган ҳолда индексация қилишни назарда тутувчи кредит маҳсулотларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

36-1. Истеъмолчи-жисмоний шахс банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-2. Банк томонидан тўлов шаклига қараб (нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) банк хизматлари учун ҳар хил нархлар (тарифлар) белгилаш тақиқланади. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-3. Истеъмолчиларга нисбатан банк томонидан банк хизматлари учун тўловларни фақат ўз филиалларининг кассалари (мини-банклари) орқали ва (ёки) нақд пул шаклида тўлаш, шунингдек омонатларга маблағлар фақат нақд пул шаклида қабул қилиш лозимлиги бўйича талаб белгиланишига йўл қўйилмайди. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-4. Истеъмолчи-жисмоний шахс яшаш жойидан қатъи назар, ўзи танлаган банкка кредит олиш учун мурожаат этишга ҳақли. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-5. Банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламаслиги лозим. (АВ 22.11.2019 й. 3030-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-6. Банк кредит операцияларини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиши лозим:

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати, шартлари ва улардан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилиши;

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун банк қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириши; (АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

истеъмолчи - жисмоний шахслар билан тузилган кредит шартномасида кредитнинг тўлиқ қиймати миқдорини кўрсатиши шарт. Бунда кредитнинг тўлиқ қиймати миқдори шартноманинг биринчи варағининг ўнг юқори бурчагида, квадрат шаклдаги рамка ичига, оқ фонда қора ранг билан, "Times New Roman" 14 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда, рақам ва сўзлар билан ёзилади. (АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

(АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-7. Кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланиши, шунингдек, қоида тариқасида кредит шартномаси матнида илова кўринишидаги кредитни қайтариш жадвалига ҳавола бўлиши керак. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-8. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдиғига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблаши керак.

Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Агар кредит шартномасида кредитни сўндириш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланиши керак.

(АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-9. Банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-10. Жисмоний шахс - қарз олувчи томонидан истеъмол кредити ва ипотека кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, банк мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охири тўлов санасининг кейинги уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қарз олувчининг шахсий кабинетига кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот жойлаштириши шарт. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-11. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет) томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилиши керак. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

36-12. Банклар:

қарз олувчиларга кредит тақдим этиш тўғрисидаги аризаси ижрога қабул қилинганлиги тўғрисида СМС хабарнома юбориши; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ иккинчи-тўртинчи хатбошилар учинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

кредит ажратиш қоидаларида белгиланган муддатда истеъмолчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ҳамда кредит ажратиш тўғрисида ёки кредит ажратишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши;

кредит ажратиш тўғрисида ёки кредит ажратишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қабул қилинган қарор тўғрисида бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай истеъмолчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Бунда, агар хабарнома истеъмолчига электрон почта, СМС-хабар ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали юборилган бўлса, унда банк истеъмолчи учун унинг сўровига мувофиқ хабарномани ёзма қоғоз шаклда ҳам тақдим этиш имкониятини таъминлаши лозим.

(АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

37. Банк кредит бўйича қарздорликни ундиришни кредит шартномасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширади.

Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида банк қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида

тегишли тарзда қарздорни хабардор қилади. Қарздорлик тўғрисидаги хабарнома асосий қарз суммаси, ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи, неустойка, бошқа тўловлар (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган ҳолда қарздорлик миқдори тўғрисида қарздор учун қисқача ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Хабарномани қўлга топшириш ҳамда у ҳақида телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилиш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача йўл қўйилмайди. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

37-1. Қарз олувчи кредит бўйича гаровда турган ўзининг депозитидаги (омонатидаги) маблағларини кредит шартномаси даврининг ҳоҳлаган вақтида депозит (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, мазкур кредитни қайтариш учун йўналтириш ҳуқуқига эга. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

Бунда, қарз олувчи кредит бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозитидаги (омонатидаги) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредитни қайтариш учун йўналтирмоқчи бўлса, у бу ҳақда банкни (депозитни) омонатни қайтаришни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

(АВ 25.09.2019 й. 3030-2-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

37-2. Қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит суммасини қайта ҳисоблайди, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт. (АВ 21.02.2020 й. 3030-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

37-3. Қарз олувчи-юридик шахснинг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юқининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланиши ҳақидаги шарт банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида акс эттирилиши лозим. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

37-4. Банк кредит шартномасига асосан кредит бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур

кредит бўйича: (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

гаровда турган мулкни тақикдан чиқариш;

гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт.

(АВ 22.11.2019 й. 3030-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

37-5. Банклар ажратилган кредит таъминотига қабул қилинган гаров мулкларини кредитнинг асосий қарзи қолдигига мутаносиб равишда босқичма-босқич гаровдан чиқариш ёки гаров нарчасини алмаштириш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олувчи алоҳида тартибга эга бўлиши ва ушбу тартиб банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим:

қарз олувчи ёки гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкларни босқичма-босқич гаровдан чиқариш ёки гаров нарчасини алмаштириш бўйича аризасини рўйхатга олиш ҳамда ушбу аризани кўриб чиқиш муддати;

гаровга қўйилган мол-мулкларни босқичма-босқич гаровдан чиқариш ёки гаров нарчасини алмаштириш масаласини кўриб чиқиш ва тегишли қарорни қабул қилиш бўйича банкнинг ваколатли органи тўғрисида ҳамда мазкур ваколатли органнинг қарори ҳақида аризачига хабар бериш муддати;

гаровга қўйилган мол-мулкларни босқичма-босқич гаровдан чиқариш ёки гаров нарчасини алмаштиришни рад этиш бўйича қарор қабул қилинганда, бу тўғрисида асослантилган ҳолда аризачига хабар бериш.

Банк кредит бўйича тузиладиган гаров шартномасида банкнинг гаров таъминотига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарз олувчининг кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммада гаров таъминоти суммасини камайтириш ҳуқуқини, шунингдек гаров таъминотини камайтириш тартиби ва усулларини акс эттириши шарт.

Кредит қарздорлигини қоплаш мақсадида банк гаровга қўйилган мол-мулкни суддан ташқари тартибда қонунчиликда тақиқланмаган усуллар орқали гаровга қўювчи билан қонунчиликда белгиланган тартибда келишган ҳолда реализация қилиши мумкин.

Бунда, банк мол-мулкни реализация қилишдан тушган маблағларни кредит қарздорлиги ва бошқа харажатларга йўналтирилиши юзасидан қарз олувчи ва гаровга қўювчига ёзма маълумот юборилишини таъминлаши лозим.

(АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

38. Кредит бўйича талабни бошқа шахс фойдасига воз кечиш фақат қарздорнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Қарздорнинг розилигидан қатъи назар, кредит бўйича талабни учинчи шахсларга ўтказиш бўйича банкнинг (кредиторнинг) ҳуқуқини кредит шартномасига киритишга йўл қўйилмайди. Кредит бўйича талабни учинчи шахсга ўтказиш ҳуқуқи алоҳида битим билан расмийлаштирилади. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

Банкнинг кредитор сифатидаги ҳуқуқлари суғурта ташкилотига ўтганда (суброгация), ўтказилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда банк қарздорга (биргаликда қарз олувчи) ва кафилларга банкнинг кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқи суғурта ташкилотига ўтказилганлиги тўғрисида ўзаро келишилган алоқа каналлари орқали ёзма хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Бунда, банк томонидан юбориладиган хабарнома (маълумотнома) энг камида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим: (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

кредит бўйича талаб ўтказилган суғурта ташкилотининг тўлиқ номи, юридик (почта) манзили, алоқа маълумотлари; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

кредит бўйича талабни ўтказиш асослари (шартнома (келишув) рақами, санаси ва қонунчилик асоси); (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

талаб ўтказилган санадаги кредит мажбурияти (қарздорлиги) тўғрисидаги маълумотлар (асосий қарз, фоиз ва бошқа тўловлар); (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

ушбу хабарнома (маълумотнома) бўйича боғланиши мумкин бўлган алоқа маълумотлари. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ иккинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган қоидалар ипотека кредитлари бўйича талабларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан ташкил этилган Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясига ўтказиш ҳолатларига татбиқ этилмайди. (АВ 15.07.2019 й. 3030-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

38-1. Банк томонидан мижознинг банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонати, шу жумладан, банк карталари бўйича (банк карталаридан фойдаланаётган пайтда "PIN-код"ни нотўғри терилиши оқибатида блокировкага тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш қунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ ёки омонат эгасига унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт. (АВ 22.11.2019 й. 3030-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

38-2. Банк томонидан кредитлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонатидан (шу жумладан, банк карталари бўйича) маблағлар ҳисобварақ (омонат) эгасининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш қунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ (омонат) эгасига унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

38-3. Мазкур Низомнинг 38-1 ва 38-2-бандларида назарда тутилган хабарномалар (маълумотномалар) мижозларга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Хабарномани (маълумотномани) олиш усули истеъмолчи томонидан мустақил равишда танланади ва танланган усул банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасида кўрсатилиши лозим. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда мижоздан қабул қилинган ариза банк томонидан унинг банк ҳисобварағи бўйича йиғмажилдида ёки омонат ҳисобварақлари бўйича алоҳида картотекада сақланади.

Хабарномани (маълумотномани) мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасига ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

(АВ 22.11.2019 й. 3030-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

38-4. Банк ўз филиали ёки унинг таркибий тузилмасида терминал орқали тўловларни амалга ошириш ёки банк картасидаги пул маблағини нақдлаштириш бўйича хизмат кўрсатганда банк картасини тақдим этувчига (банк карта эгаси ёки картани ишлатиш ваколати берилган шахс) ушбу картанинг "PIN-код"ини мустақил теришга имкон яратиб бериши лозим. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

2-§. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича минимал талаблар

39. Банк:

ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган, хизмат кўрсатиш жойларида ошкор этиладиган ахборотдан барча истеъмолчилар бутун иш вақти давомида фойдалана олишларига имкон яратиб бериш керак;

ахборот истеъмолчилар учун қулай ва монеликсиз танишиш имконини берадиган тарзда жойлаштирилишини таъминлаши керак;

истеъмолчилар билан бевосита ишловчи банк ходимларини (бундан буён матнда администраторлар деб юритилади) истеъмолчилар кўра оладиган, ходимнинг фамилияси, исми ва лавозими қайд этилган визуал идентификация воситаларига эга бўлишларини таъминлаши лозим;

банк хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган жойида истеъмолчилар ва ногиронлиги бўлган ҳамда имконияти чекланган истеъмолчилар билан шартномаларни тузиш имкониятини таъминлаши керак.

40. Администраторлар ушбу Низомда назарда тутилган, истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми содда шаклда тақдим эта олиши, шунингдек истеъмолчининг бундай ахборот қайд этилган банк ҳужжатлари билан танишиши учун имкон яратиши шарт.

Банк администраторларга ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ахборотни олиш, ўрганиш ва янгилаш имкониятини таъминлаши шарт.

40-1. Банк томонидан истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда аниқ тартиб ва қўлланмалар кўрсатилган, шу жумладан мижозлар билан мулоқотга киришиш, эҳтиёжларини аниқлаш, маҳсулот/хизматни тақдим этиш, таклиф шакллантириш, эътирозлар билан ишлаш ва мулоқотни яқунлаш жараёнида банк ходимларининг хулқ-атвори ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларини назарда тутувчи мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари жорий этилиши шарт. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

АВ 07.09.2020 й. 3030-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ 3-параграф ўз кучини йўқотган

3-§. Тижорат банкларининг мижозларга хизмат кўрсатишда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун санкцияларни қўллаш

(АВ 25.09.2019 й. 3030-2-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган параграф)

40-1. Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банклар томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

40-2. Банклар томонидан иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун ўз вақтида нақд пул бермаганлик учун мижозларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига улар ҳисобварақларида маблағ бўлганида банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

40-3. Қонун ҳужжатларида ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда, у мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт.

Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, мижоз банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

40-4. Мазкур Низомнинг 40-2 ва 40-3-бандларида тижорат банклари учун назарда тутилган санкциялар банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномасида кўрсатилиши шарт.

40-5. Банклар қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш;

б) банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

в) қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда.

40-6. Тижорат банкларига нисбатан мазкур параграфда назарда тутилган жарима жазо чораларини қўллаш суд қарорига асосан амалга оширилади. Бунда бу каби низолар юзасидан мижозларнинг ўзлари томонидан судга даъво киритилади.

40-7. Мазкур Низомнинг 40-1 - 40-3-бандларига мувофиқ банк томонидан тўланган жарима суммаси қисман қонунбузарликка йўл қўйган банк (филиали) раҳбари ва бош бухгалтери томонидан қопланади.

3-§. Омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этиш

(АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган параграф)

40-2. Банклар қуйидаги ахборотларни истеъмолчиларга тарқатиш бўйича зарур чораларни кўриши шарт:

банкнинг омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этиши тўғрисидаги ахборотлар;

кафолатлаш объектлари, кафолатланган омонатлар, шунингдек кафолатлаш объекти ҳисобланмайдиган маблағлар тўғрисидаги ахборотлар;

компенсацияларни тўлаш тартиби, шу жумладан уларни тўлашнинг усуллари ва муддатлари тўғрисидаги ахборотлар;

40-3. Мазкур Низомнинг 40-2-бандида назарда тутилган ахборотлар банк томонидан қуйидаги шаклларда тарқатилиши шарт:

банкнинг ахборот стендлари ва расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали;

администраторлар орқали, шу жумладан банк омонати (депозити) шартномаси ва (ёки) банк ҳисобварағи шартномасини тузиш жараёнида ҳамда истеъмолчининг сўровига асосан;

масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали.

40-4. Банкнинг расмий веб-сайтида омонатлар тўғрисидаги ахборот жойлаштирилган саҳифада "Омонатларингиз кафолатланган" деган мазмунда кўзга ташланадиган тегишли ҳавола (гиперҳавола) жойлаштириши ва ушбу тегишли ҳавола (гиперҳавола) Омонатларни кафолатлаш агентлигининг расмий веб-сайтидаги тегишли саҳифага йўналтирилиши керак.

40-5. Банк омонати (депозити) шартномаси ёки банк ҳисобварағи шартномасини тузиш жараёнида администраторлар омонатчини мазкур Низомнинг 3б-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ омонатларни кафолатлаш тизими ҳақидаги маълумот билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Мазкур Низомнинг 3б-илоvasида кўрсатилган маълумотнинг бир нусхаси банк томонидан омонатчига берилади, иккинчи нусхаси эса омонатчининг мазкур ахборот билан танишганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида ҳар бир мижоз учун шакллантириладиган йиғма жилдда сақланади.

Омонатчи масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали омонат (депозит) қўйган ёки банк ҳисобварағини очган тақдирда, банк мазкур Низомнинг 3б-илоvasида назарда тутилган ахборотни омонатчига тақдим этиши, шунингдек шартнома тузилишидан олдин мазкур ахборот билан танишганлигини тасдиқлаш имкониятини яратиши шарт.

40-6. Администраторлар истеъмолчига омонатларни кафолатлаш тизими ҳақидаги ахборотни оддий ва тушунарли шаклда тақдим этиши керак.

Агар администратор омонатларни кафолатлаш тизими ҳақидаги саволларга жавоб беришда қийналса, бундай ҳолда у истеъмолчига батафсилроқ маълумот олиш учун тўғридан-тўғри Омонатларни кафолатлаш агентлигига мурожаат қилишни тавсия этиши лозим.

**4-БОБ. ҚАРЗДОРЛИК ЮЗАГА КЕЛГАНДА
БАНКЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН
ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

41. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, банк истеъмолчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш

мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида истеъмолчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида хабар бериши шарт. (АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

42. Банк қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол кредити шартномаси бўйича истеъмолчини муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиши, истеъмолчидан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраши шарт.

43. Истеъмолчи кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, банк тегишли кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига юборади. (АВ 26.01.2023 й. 3030-8-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)

44. Банк йўллайдиган талабномада қуйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:
банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;
талабнома расмийлаштирилган санадаги истеъмолчининг жорий қарзи миқдори ва таркиби;
қарзни тўлаш усул(лар)и;
истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);
талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;
низони судгача ҳал қилиш усуллари.
(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

45. Банк ва истеъмолчи тарафларнинг ўзаро розилигига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган низони судгача ҳал қилиш усуллари, шу жумладан музокаралар ўтказиш орқали, қўллашга ҳақли. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)

46. Истеъмолчи низони судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, банк судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

5-БОБ. МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

(АВ 11.10.2024 й. 3030-9-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги боб)
(Олдинги таҳририга қаранг)

1-§. Мурожаатлар билан ишлашга қўйиладиган талаблар

2-§. Мурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш

3-§. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмани ташкил этиш

1-§. Мурожаатлар билан ишлашга қўйиладиган талаблар

47. Банк мазкур Низомга ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқиш тартибига эга бўлиши ҳамда ушбу тартибда камида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

банкда мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш;
муурожаатларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва уларга жавоб бериш;
муурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш;
истеъмолчиларни ва уларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш.

Банк томонидан муурожаатларни кўриб чиқиш тартибининг тўлиқ матни банкнинг расмий веб-сайтида барча учун очиқ шаклда, шунингдек, банкнинг муурожаатларни қабул қилиш манзиллари (почта ва электрон манзиллари, телефон рақамлари, ижтимоий каналлардаги манзиллар, мобил илова ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар банк (филиал)нинг стендларида истеъмолчига кўринарли жойда ўқиш имконияти бўлган ҳолда жойлаштирилади.

Истеъмолчининг талабига мувофиқ банк ходими истеъмолчига муурожаатларни кўриб чиқиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

48. Банк истеъмолчининг муурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга ҳақли эмас ва муурожаатни қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Банк томонидан муурожаатларни кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

49. Банк истеъмолчиларнинг муурожаатларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари бўйича муурожаат этувчиларга жавоб бериши лозим.

Банк оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги муурожаатларни қабул қилиш учун шароитлар яратиши зарур.

Банк истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш офисларида (ёки марказларида), филиалларида ва ўзининг расмий веб-сайти орқали муурожаатларни қабул қилишни йўлга қўяди. Банк расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида ёки сайтнинг ўзгармас юқори қисмида (ушбу саҳифада) яққол кўринарли тарзда жойлаштирилган ҳавола орқали тўғридан-тўғри ўтиш мумкин бўлган бошқа саҳифасида муурожаатларни қабул қилишни ташкил этади.

Банк мобил иловасида истеъмолчилар томонидан муурожаат қолдирилиши учун имконият яратади ва ёки муурожаат юборилиши учун алоқа каналларини кўрсатиши керак.

Банк истеъмолчилар билан телефон алоқаси орқали боғланишини таъминловчи Call-марказларни ташкил этиб, у орқали истеъмолчиларга банк фаолияти билан боғлиқ маслаҳатлар ва тушунтиришлар беради ҳамда оғзаки шаклдаги муурожаатларни қабул қилади.

50. Телефон орқали муурожаат этилса ёки муурожаатни кўриб чиқиш жараёнида телефон орқали муурожаат қилувчи билан суҳбатлашилса, ушбу муурожаатни кейинчалик кўриб чиқишда фойдаланиш мақсадида истеъмолчини олдиндан хабардор қилган ҳолда суҳбат махсус (аудио, видео) техника воситалари ёрдамида ёзиб олиниши мумкин.

51. Call-марказ телефонларининг рақамлари банк расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида, шунингдек, банк ва унинг филиалларидаги ахборот стендларида ҳамда банк (филиал) биносидан ташқарида ташкил этилган банк хизматлари марказлари ва кассаларнинг истеъмолчига кўринарли жойда ўқишга имконияти бўлган ҳолда жойлаштирилиши керак.

52. Call-марказ орқали тушаётган мурожаатлар иш вақти давомида қабул қилинади.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчини банк картаси йўқолганлиги ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисидаги хабарномани туну кун юбориш имконияти билан таъминлаши ва ушбу хабарнома олинганидан кейин банк картасини дарҳол блокировка қилиши шарт.

53. Истеъмолчининг оғзаки мурожаатида баён этилган масала қўшимча ўрганишни ёки қўшимча текшириш ўтказишни талаб этмаса, ушбу мурожаатга жавоб шахсий қабул давомида телефон орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда оғзаки берилиши мумкин.

Реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда чат ёки бот орқали берилган матнли мурожаатда келтирилган масала қўшимча ўрганишни ёки қўшимча текшириш ўтказишни талаб этмаса, ушбу мурожаатга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жавоб берилади.

Агар истеъмолчининг мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошларида келтирилган мурожаатида баён этилган масаласи қўшимча ўрганишни талаб этса, истеъмолчига мурожаатида келтирилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда тақдим этиш таклиф қилинади.

54. Барча ёзма ва электрон мурожаатлар ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш куни мазкур Низомнинг 58-15-бандида келтирилган банкнинг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади.

Банкда мурожаат, уни кўриб чиқиш натижаларига оид ҳужжатлар ва унга берилган жавоб хати мурожаат келиб тушган кундан эътиборан камида уч йил сақланади.

55. Банк истеъмолчига унинг рўйхатга олинган мурожаати рақами ва санаси ҳақидаги маълумотни уч иш куни ичида ёзма ёки электрон ёхуд СМС-хабарнома орқали маълум қилиши керак.

56. Мурожаатлар банк раҳбарияти (тегишли тартибда ваколат берилган мансабдор шахс) кўрсатмасига асосан белгиланган ижрочи томонидан кўриб чиқилади.

57. Банк ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан келиб тушган мурожаат айнан ушбу ходимнинг ўзига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин эмас.

58. Мурожаатлар банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак.

58-1. Банк мурожаатларни қуйида келтирилган асосий тамойилларга амал қилган ҳолда кўриб чиқади:

қонунийлик;

мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги.

58-2. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у банкнинг раҳбари ёки ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат этувчи хабардор қилиниши лозим.

58-3. Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақирининг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, банк ёки унинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни банкнинг раҳбари ёки унинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу банднинг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига банкнинг ёки банк мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида хабардор қилиниши лозим.

58-4. Банкнинг мансабдор шахслари банкнинг расмий веб-сайти ва ахборот стендларида жойлаштирилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвалига мувофиқ истеъмолчиларни шахсан қабул қилишлари шарт. Шахсий қабул баённома асосида расмийлаштирилади ёки истеъмолчини хабардор қилган ҳолда махсус (аудио ва видео) техника воситалари ёрдамида овозлар ёзиб олинishi ёки видеотасвирга туширилиши мумкин.

58-5. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан шахсий қабулни ўтказишга доир талаб билан жисмоний шахслардан ва юридик шахсларнинг вакилларида мурожаатлар келиб тушганда, банк ушбу мурожаатлар келиб тушган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмаган ҳолда мурожаат қилувчиларга банкнинг мансабдор шахсларига қабул санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда қабул белгиланганлиги тўғрисидаги, шунингдек ушбу

қабулга келганда боғланиш учун телефон рақамлари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда хабарнома юбориши лозим.

58-6. Шахсий қабул масофавий тарзда (видеоконференцалоқа воситаси орқали) ҳам амалга оширилиши мумкин.

58-7. Истеъмолчининг муурожаати юзасидан йўлланадиган жавоб хати банк раҳбарияти (филиал раҳбари) ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Агар банкка бир нечта (икки ёки ундан ортиқ) шахс томонидан муурожаат этилганда, агар муурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, муурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

58-8. Муурожаатларга жавоблар мумкин қадар муурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар муурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Муурожаатга жавоб, унинг келиб тушган шаклидан қатъи назар муурожаатда кўрсатилган почта манзилга ёки электрон манзилга ёхуд истеъмолчи ва банк ўртасида тузилган шартнома шартларида келишилган манзилга имзоланган ҳолда қоғоз ёки электрон кўринишида юборилади.

58-9. Муурожаат қилувчининг илтимосига кўра банк муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт. Бунда муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимос у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

58-10. Банк муурожаатларни кўриб чиқишда қонунлар талабларига риоя этиши, шунингдек, муурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун ҳамда истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ва тикланишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

58-11. Банк муурожаатларни кўриб чиқишда муурожаат қилувчига қуйидаги ҳуқуқларни тақдим этиши лозим:

муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

муурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш.

58-12. Банкка истеъмолчини, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида банкка ёки давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига муурожаат этганлиги, шунингдек муурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

58-13. Банк муурожаатларни кўриб чиқишда қуйидагиларга амал қилиши шарт:

1) муурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

2) мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар қонун билан қўриқланадиган сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

3) мурожаат қилувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

4) мурожаат юзасидан қабул қилинган қарорга ёки мурожаатни кўриб чиқиш натижаларидан рози бўлмаса, қуйидагиларга шикоят бериш ҳуқуқи мавжудлиги тўғрисида банкнинг жавоб хатида тушунтириш бериши:

банкнинг тегишли ички апелляция органига (агар мавжуд бўлса);

суддан ташқари низоларни муқобил ҳал қилиш органларга (агар мавжуд бўлса);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органларига; судга;

5) мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

6) қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

7) истеъмолчи, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъкиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

8) агар истеъмолчига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунчиликда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши.

58-14. Банк Марказий банк орқали келиб тушган мурожаатни қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талаблари асосида кўриб чиқиши ҳамда мурожаатга берилган жавоб хати (хабарнома) ва/ёки уни кўриб чиқишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар нусхаларини мурожаат қилувчига жавоб хати берилган куни Марказий банкка тақдим этиши лозим.

2-§. Мурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш

58-15. Банк мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ички назоратни таъминлаши керак.

Банк келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида рўйхатга олиш, қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган минимал талабларга жавоб берувчи электрон ахборот тизимини жорий қилиши лозим.

Банкнинг ички назорат тизими истеъмолчиларнинг шикоятларини қайта ишлаш ва уни ҳал этишдаги камчиликлар ва хатоликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ички назоратни амалга оширувчи ички аудит хизмати қуйидагиларни амалга оширади:

банкда истеъмолчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун ҳуқуқий асослар ва ташкилий жараёнларнинг етарлигини баҳолаш;

истеъмолчиларнинг шикоятларини келтириб чиқарувчи тизимли камчиликларни аниқлаш жараёнларини ва уларни бартараф этиш мақсадида кўрилатган чораларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

банкнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсати самарадорлигини баҳолаш мақсадида банк хизматлари ва маҳсулотларини таваккалчиликка асосланган текширишларни амалга ошириш.

58-16. Банк мунтазам равишда келиб тушган мурожаатларнинг статистик ҳисобини юритади. Статистик ҳисобга олишда келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантириш рад этилган, кўрмай қолдирилган мурожаатларнинг сони, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ бошқа маълумотлар назарда тутилиши керак.

58-17. Банк ҳар чорак (йил) натижаларига кўра мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра маълумотномалар (шарҳлар) тузилади, уларда мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларнинг турлари, сони ва келиб чиқиш сабаблари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатлар банк хизмат турлари (маҳсулотлари) бўйича қайси ҳудудлардан келиб тушиши, ушбу банк хизматлари истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб уларга мос ишлаб чиқилганлиги ва истеъмолчилар билан адолатли муносабат қурилганлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар, мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилади.

Банк бошқаруви банк фаолиятининг чорак (йил) натижаларини кўриб чиқиш тўғрисидаги ўз йиғилишларида банкда мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини, шу жумладан мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича маълумотномаларни (шарҳларни), мурожаатларда кўтарилган салбий ҳолатларни, тизимли камчиликларни ва ўзига хос таваккалчиликларни муҳокама қилиши ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини тасдиқлаши лозим.

Бунда, банк бошқаруви қарорлари, шунингдек мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича маълумотномалар (шарҳлар) ички аудит хизматига тақдим этилади. Ички аудит хизмати банкда мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини текшириш ўтказиш бўйича иш режаларини тузишда ва мониторинг фаолиятини амалга оширишда фойдаланади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган чораклик маълумотномалар (шарҳлар) ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига ва йиллик маълумотномалар (шарҳлар) феврал ойининг 15-санасига қадар банкнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланадиган йиллик ҳисоботда банкнинг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам акс эттирилади.

3-§. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмани ташкил этиш

58-18. Банк бош офисида мурожаатларни кўриб чиқиш учун алоҳида бўлинмани (бундан буён матнда Бўлинма деб юритилади) (банкнинг операцион бизнес бўлинмаларидан мустақил) ташкил қилади.

58-19. Бўлинма ходимлари банкнинг мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби доирасида шикоятларни ўрганиш (суриштирув ўтказиш) учун зарур бўлган маълумотларни олиш, алоҳида ҳолатлар ва тизимли муаммолар бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, шикоятнинг хусусиятига кўра истеъмолчилар билан низоларни ҳал қилиш бўйича ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларига, жумладан молиявий компенсация қилиш, шартномаларни рад этиш, тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳамда банк томонидан ҳисобланган жарима ёки йиғимларни бекор қилиш ёки улардан воз кечиш каби таклифларни банк бошқарувига киритиш ваколатларга эга бўлиши керак.

Банк шикоятлар билан ишлайдиган барча ходимлар учун мурожаат қилувчиларнинг аввалги шикоятлари ҳақидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлайди.

58-20. Бўлинма банк бошқаруви раиси томонидан назорат қилинади.

58-21. Мурожаатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича ҳисоботларни тайёрлаш Бўлинманинг асосий мажбурияти бўлиши ва бу ҳисоботлар ҳар чоракда камида бир марта банк Бошқарувига тақдим этилиши шарт.

58-22. Бўлинма:

шикоятларни кўриб чиқиш бўлинмаси томонидан тақдим этилган низоларни ҳал қилиш жараёнларининг зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлашга масъул бўлади;

банк бошқарувига ҳисобот беришга ҳамда шикоятларни ўрганиш (текшириш) жараёнида аниқланган банк фаолиятидаги камчиликларни тузатиш режаларини ишлаб чиқилиши ва уларни амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади;

банкнинг хизмат кўрсатиш офисларига/филиалларига келиб тушган мурожаатларнинг белгиланган тартибда кўриб чиқилишини мувофиқлаштиради.

58-23. Банк бошқаруви банкда мурожаатларни кўриб чиқиш тартибларини самарали жорий қилиш учун жавобгар ҳисобланади, шунингдек, бошқарув банкда мажбурий қоидалар ва кўрсатмаларга риоя этилишини таъминлаши лозим.

58-24. Банк шикоятларни кўриб чиқиш учун етарли ходимларга эга бўлиши ва уларни доимий (йиллик) равишда тегишли тарзда ўқитиши лозим. Бунда ўқув дастури ходимларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ва банкнинг ички ҳужжатларини, банк маҳсулотлари ва хизматларини, шикоятларни кўриб чиқишда амал қилиш лозим бўлган жараёнларни, маълумотларни ҳимоя қилиш масалаларини билиши ва тушунишига, шунингдек, воситачилик, музокаралар олиб бориш, шахсий ҳалоллик ва миқдор билан муносабатда бўлишида бошқа кўникмаларини оширишига қаратилган бўлиши керак.

Ўқув тадбирлари ўқув режалари ва даволат варақалари, шунингдек, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш ва заруриятга кўра тегишли тузатишлар ва такомиллаштиришлар орқали назорат қилиниши керак. Ўқув дастурлари натижаларини баҳолаш тизими жорий қилиниши талаб этилади.

58-25. Шикоятларни кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган лавозимларга тайинланувчи шахс:

олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ва тижорат банкининг банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлинмасида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши;

банк ва молия соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини билиши шарт.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

(АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган)

МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги боб номи)
(Олдинги таҳририга қаранг)

59. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

60. Банк ўз ходимининг хизмат вазифасини бажариши давомида йўл қўйган ножўя хатти-ҳаракатлари натижасида омонатчига етказилган зарарлар бўйича жавобгардир. (АВ 14.01.2021 й. 3030-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

Низомга
1-ИЛОВА

АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги илова (Олдинги таҳририга қаранг)

Кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш
ТАРТИБИ

(АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги илова номи)
(Олдинги таҳририга қаранг)

Мазкур Тартиб жисмоний шахслар - истеъмолчиларга (бундан буён матнда "қарз олувчилар" деб юритилади) ажратилган кредитларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартибини белгилайди. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги муқаддима) (Олдинги таҳририга қаранг)

1. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
кредитнинг тўлиқ қиймати (бундан буён матнда "КТҚ" деб юритилади) - кредит олиш билан боғлиқ тўловларнинг ҳаққоний, йиллик ва самарали ҳисоблашдаги фоиз ставкаси; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

кредит шартномаси - банк томонидан қарз олувчига пул маблағларини тўловлилик, муддатлилик ва қайтаришлилик шартлари асосида бериш ҳақидаги банк ва қарз олувчи ўртасидаги келишув. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

2. КТҚни ҳисоблаб чиқишда қарз олувчининг қуйидаги тўловлари ҳисобга олинади:
а) асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар;

б) банк фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар бундай тўловлар кредит шартномаси шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса ва/ёки кредит ажратилиши бундай тўловларнинг амалга оширилишига боғлиқ бўлса; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

в) учинчи шахслар фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар бундай тўловлар кредит шартномаси шартларига мувофиқ истеъмолчининг мажбуриятларига кирса, шунингдек, қуйидаги тўловлар: (АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

суғурта ташкилоти фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда наф олувчи бўлиб банк ҳисобланса;

қарз олувчининг мажбуриятлари таъминотига қабул қилинган ва гаровга қўювчининг ихтиёрида қоладиган гаров предмети гаров шартномаси бўйича суғурта қилишда қарз олувчи томонидан суғурта ташкилотининг фойдасига амалга ошириладиган тўловлар;

қарз олувчи томонидан кафолат (кафиллик) олиш учун кафолат берувчига (кафилга), шунингдек гаровга топшириладиган мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотга тўланадиган тўловлар;

мижозларни жалб қилиш, улар томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш, ушбу ҳужжатларни банкка топшириш, кредитларни қолаш ҳисобига банк мижозларидан тўловлар ва пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича банкка хизмат кўрсатадиган ташкилотлар (воситачилар) ҳисобига амалга оширилган тўловлар. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Банк томонидан КТҚ кўрсаткичининг ҳисоб-китоби кредит шартномаси муддати тугагунга қадар мазкур бандда назарда тутилган барча тўловларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

3. КТҚ ҳисоб-китобига қуйидагилар киритилмайди:

а) қарз олувчининг учинчи шахслар фойдасига амалга оширадиган тўловлари, мазкур Тартибнинг 2-бандида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно;

б) бажариш мажбурияти кредит шартномаси шартларидан эмас, балки қонунчилик талабларидан келиб чиқадиган, қарз олувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

в) қарз олувчининг кредит шартномаси шартларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ тўловлар, шу жумладан неустойка ва/ёки шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

г) банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ажратилган кредитлар бўйича тўловлар, хусусан: (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

банк картасини чиқариш билан боғлиқ комиссиялар;

банк картасига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ комиссиялар;

банк ва/ёки тўлов ташкилотлари мобил иловаси, банкоматлари ва инфокиосклари орқали кредит тўловлари амалга оширилганда ундириладиган комиссиялар;

кредит суммаларини банкоматлардан фойдаланган ҳолда нақд пулда олганлиги учун тўланадиган комиссиялар. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

4. Банклар қуйидаги ҳолларда КТҚни ҳисоблаб чиқишлари шарт:

а) қарз олувчилар билан кредит шартномаси тузилганда; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

б) кредит олиш истагини билдирган қарз олувчиларга кредит олиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш вақтида. Агар маълумотлар тақдим этиш вақтида мазкур Тартибнинг 2-бандида назарда тутилган айрим тўловлар миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда банк томонидан унга маълум бўлган шу турдаги тўловларга амал қилиши ҳамда кредит олиш истагини билдирган қарз олувчиларга шу тўловларнинг манбаларини ошкор қилиши лозим (масалан, КТҚни ҳисоблашда тарифларидан фойдаланилган суғурта компаниясининг номи ва бошқалар). (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

5. КТҚни ҳисоблашда қарз олувчининг кредит бўйича амалга ошириб бўлган тўловлари улар ҳақиқатда тўланган вақтда, келажақда амалга оширадиган тўловлари эса кредит шартномаси тузилган санада маълум бўлган кредит ажратиш шартларига асосан тўловларни тўлаш жадвали бўйича ҳисобга олинади. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Агар гаров предметини суғурталаниши кредит шартномаси тузилган санадан кейин амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда банк қарз олувчидан суғурта компаниясига амалга оширилиши мўлжалланаётган тўлов суммасини аниқлаши ва шу суммадан келиб чиққан ҳолда КТҚни ҳисоблаб чиқиши шарт. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

6. Кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблашда қуйидаги шартлар ҳисобга олинади:

а) агар кредит шартномасига мувофиқ истеъмолчи кредит маблағларини қисмларга бўлиб олиши ёки кредит олиш вақтини танлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, унда кредит суммаси истеъмолчига кредит шартномасини тузиш вақтида тўлиқ ўтказилган деб ҳисобланади; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

б) кредит олиш истагини билдирган қарз олувчиларга кредит олиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш вақтида, кредитнинг тўлиқ қиймати таркибидаги суғурта харажатларини ҳисоблашда суғурта ташкилотларининг жорий даврда амалда бўлган ставка ва мукофот миқдорларидан энг юқориси олинади. Шунингдек, истеъмолчилар келгусида суғурта ташкилотларининг ставка ва мукофот миқдорлари ўзгариши эҳтимоли кредитнинг тўлиқ қийматига таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилинишлари шарт. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

7. Агар кредитнинг фоиз ставкаси базавий кўрсаткичларга (Марказий банкнинг асосий ставкаси, инфляция даражаси ва бошқалар) боғланган бўлса, у ҳолда банк КТҚни ҳисоблашда шу кундаги базавий кўрсаткичларнинг миқдоридан фойдаланади. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

8. Банклар КТҚни дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисоблайди. КТҚ қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$S = \sum_{i=1}^m \frac{P_i}{(1+APR)^{i/365}} \text{ бунда,}$$

S - кредитор томонидан қарздорга ажратиладиган кредитнинг суммаси; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Pi - мижознинг кредитни сўндириш учун йўналтирадиган навбатдаги тўлов суммаси; (*Pi кредитни сўндириш графигидаги пул оқимларини англатади*) (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

APR - кредитнинг тўлиқ қиймати (КТҚ); (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

m - мижознинг кредитни сўндириш учун йўналтирадиган тўловлари сони; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

(*Масалан, истеъмолчи кредит 3 йил давомида ҳар ойда бир марта сўндириб борса, m - 36 га тенг бўлади*) (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

i - мижознинг кредитни сўндириш учун йўналтирадиган навбатдаги тўловнинг тартиб рақами; (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

(*Масалан, кредитни сўндириш графигига асосан истеъмолчи ҳар ой сўндириб борса ва жорий тўлови 5-чи ойга тўғри келса, i-5 га тенг бўлади*)

ti - кредит ажратилган кундан бошлаб мижоз томонидан сўндириш учун йўналтириладиган навбатдаги тўловга қадар бўлган муддат (кунларда). (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

(*Агар истеъмолчи ҳар ой сўндирилиб бориладиган кредит бўйича 5-чи ой учун тўлов қилиши керак бўлса t_5 - 150 кунни ташиқил этади*). (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

9. КТҚни ҳисоблашда вергулдан кейин бир белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги иккинчи белги "5" га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда вергулдан кейинги биринчи белги бир бирликка оширилади. Масалан, КТҚ кўрсаткичи 18,66 ни ташкил қилди. У яхлит қилиб ҳисоблангач - 18,7 ҳосил бўлади.

10. Банклар истеъмолчи - жисмоний шахсга унинг талабига кўра КТҚ миқдори тўғрисидаги маълумот билан бирга кредит шартномаси тузиш пайтида унинг мутлақ қийматини, яъни кредитнинг асосий қиймати, фоизлари ва бошқа тўловлар, шу жумладан амалдаги таърифлар бўйича учинчи шахс фойдасига тўланадиган тўловларни, агар бундай тўловлар истеъмолчи - жисмоний шахснинг мажбурияти бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса, уларни алоҳида кўрсатган ҳолда ёзма маълумот тақдим этади. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

11. Банклар оммавий ахборот воситалари орқали кредит тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганларида, ушбу эълонда банкка мурожаат этилганида мижозларга кредит олиш билан боғлиқ КТҚни ҳисоблаб берилиши ҳақида ахборот беришлари лозим. (АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Кредит расмийлаштиришдан олдин тўлдириладиган ЧЕКЛИСТ

Кредит шартномасини расмийлаштиришдан (офертани тасдиқлашдан) аввал, ушбу рўйхатни диққат билан ўқиб чиқинг ва ҳар бир бандни тушунганингизни тасдиқланг. Бу сизни келгусида кутилмаган молиявий қийинчиликлардан сақланишингиз учун хизмат қилиши мумкин.

1	Кредит - бу харажат. <i>Кредит - бу мен тўлашим шарт бўлган молиявий мажбуриятдир. Кредитнинг асосий суммасидан ташқари, кредит бўйича ҳисобланган фоизларни, шунингдек, эҳтимол, кредит билан боғлиқ бошқа харажатларни (суғурта, кредит тўловларини амалга ошириши харажатлари ва бошқалар) ҳам тўлашимга тўғри келади.</i>	Ў
2	Кредитни қайтариш жадвалини диққат билан ўрганиб чиқдим. <i>Кредитни қайтариши жадвалидаги барча саналар ва тўлов миқдорлари ҳамда ушбу тўловларни амалга ошириши усуллари билан танидим. Мазкур жадвалга мувофиқ ҳар ойда қачон ва қанча миқдорда тўловлар тўлашим кераклигини тушундим ҳамда уларни ўз вақтида бажара оламан.</i>	Ў
3	Даромадларим кредит тўловларини тўлаш имконини беради. <i>Мазкур кредитни олишида мен ойлик даромадим ва доимий харажатларимни (бошқа кредитларим, ижара, коммунал хизматлар, транспорт ва бошқа харажатларни), шунингдек кредит бўйича ўз мажбуриятларимни бажара олмаслигимга олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар (ҳолатлар)ни юз бериши эҳтимолини (ишимни йўқотиши, иш ҳақи ва бошқа даромадларни кечикиши, соғлигимнинг ёмонлашиши) инобатга олдим.</i>	Ў
4	Кредит тўловларини кечиктириш оқибатларидан хабардорман. <i>Кредит тўловларини ўз вақтида амалга оширмасам, банк томонидан ушбу қарздорлик бўйича тегишли жарима ва пенялар белгиланишини, шунингдек, агар кредит қарздорлиги суд орқали ундирилса, мазкур суд харажатларини ҳам тўлашим мумкинлигини тушундим. Бундан ташқари, кредит тарихимда мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмагани тўғрисида маълумотлар акс эттирилиши, бу эса келгусида молиявий ташилотлардан кредит олиш имкониятимни пасайишига ва/ёки ноқулай шартларда кредит олишимга сабаб бўлиши мумкинлигини биламан.</i>	Ў

Имзо (қоғоз шаклда): Тасдиқлайман _____.

(имзо)

Электрон шаклда (онлайн): "Тасдиқлайман" тугмаси босилади.

Сана: ____ . ____ . ____ .

(кун /ой /йил)

Низомга
2-ИЛОВА

АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот ВАРАҚАСИ*

Тижорат банкининг номи, расмий веб-сайти, телефон рақамлари	
---	--

1-бўлим. Кредит бўйича маълумотлар

1. Кредитнинг тури		
2. Кредитнинг мақсади		
3. Кредитнинг миқдори		
4. Кредитдан фойдаланиш муддати		
5. Кредитдан фойдаланиш муддати давомидаги фоиз ставкаси (номинал миқдорда) ва ушбу фоиз миқдори бўйича тўланиши лозим бўлган сумма	$\frac{\text{фоиз кўринишида}}{\text{фоиз кўринишида}}$	$\frac{\text{—}}{\text{(кредитнинг тўлиқ муддатига пул кўринишида)}}$
6. Кредитнинг тўлиқ фойдаланиш муддати давомида тўланадиган жами сумма	$\frac{\text{(кредитнинг миқдори)}}{\text{(кредитнинг миқдори)}} + \frac{\text{(ҳисобланадиган фоизлар)}}{\text{(ҳисобланадиган фоизлар)}} = \frac{\text{(жами тўланадиган сумма)}}{\text{(жами тўланадиган сумма)}}$	
7. Кредитнинг имтиёзли даври (агар мавжуд бўлса)		
8. Тўловларнинг даврийлиги (ҳар ойда, ҳар чоракда ва ҳ.к.)		
9. Кредитни сўндириш усули (аннуитет усулида (тенг миқдорларда), дифференциал усулида)		

10. Тўловларнинг даврида бир марталик тўлов суммаси: <i>аннуитет усулида</i> <i>дифференциал усулида</i>	_____ _____ (оралиқ тўловларидан энг кўп миқдордаги тўлов)
11. Кредитни ажратиш шакли <i>(маҳсулот/хизмат таъминотчиси ҳисобварағига пул</i> <i>ўтказиши, нақд пул, банк картасига ўтказиши, ва ҳ.к.)</i>	
12. Кредит билан боғлиқ қўшимча харажатлар, жумладан <i>(агар бундай харажатлар мавжуд бўлса):</i>	_____ (кредитнинг тўлиқ муддатига пул кўринишида, жами)
- Турлари бўйича банкнинг комиссия ва йиғимлари <i>(алоҳида кўрсатилсин)</i>	_____ (кредитнинг тўлиқ муддатига пул кўринишида)
- учинчи шахслар хизмати <i>(алоҳида кўрсатилсин)</i>	_____ (кредитнинг тўлиқ муддатига пул кўринишида)
13. Кредитнинг тўлиқ қиймати <i>(номинал фоиз ставкасини ва кредитга хизмат кўрсатиши</i> <i>харажатларини ўз ичига олади)</i>	
14. Кредит олиш бўйича тақдим қилинган аризани кўриб чиқиш муддати	

2-бўлим. Бошқа молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ муҳим шартлар

1. Кредит бўйича қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаганлиги учун шартномада кўзда тутилаётган тўлаши лозим бўлган неустойка (жарима, пеня) <i>(агар</i> <i>бундай шарт мавжуд бўлса)</i>	_____ (фоиз ёки қатъий белгиланган сумма кўрсатилади, шунингдек неустойка (жарима, пеня) ҳисоблаш учун асос бўлувчи шартнома шартлари келтирилади)
2. Кредит бўйича қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаганлиги учун кредит суммасидан тўланадиган оширилган фоиз ставкаси миқдори <i>(агар бундай шарт</i> <i>мавжуд бўлса)</i>	_____ (фоизда)
3. Кредитнинг таъминоти <i>(таъминот предметида қўйиладиган минимал талаблар,</i> <i>гаровнинг минимал қиймати)</i>	

Кредит олишга рози бўлишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқинг!

Сиз кредитнинг шартлари ва қиймати тўғрисида, тўловлар ва ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида (фоизлар, жарима ва пенялар), кредит шартномаси бўйича Сизнинг ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингиз тўғрисида, кредит шартномаси бўйича юзага келиши

мумкин бўлган хатарлар ва жавобгарликлар тўғрисида, шунингдек Сизга тушунарсиз бўлган бошқа масалалар юзасидан банкдан тўлиқ ва батафсил маълумот олишга ҳақлисиз.

Агар Сизда шикоятлар мавжуд бўлса, у ҳолда Сиз мурожаатингизни (телефон рақами кўрсатилади) рақамли телефонга ёки (банкнинг почта манзили кўрсатилади) манзилга ёки (банкнинг электрон почтаси манзили кўрсатилади) электрон манзилга жўнатишингиз мумкин.

АХБОРОТ ВАРАҚАСИНИНГ ТЎҒРИЛИГИ ВА ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТАСДИҚЛАНАДИ.

(банк мутахассисининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

тўлдирилган сана

**) Мазкур варақа кредит шартномаси ёки кредит олиш учун буюртманома ўрнини босмайди, аксинча турли банкларнинг кредитлаш шартларини таққослашга ва керакли танловни амалга оширишга ёрдам беради.*

Низомга
3-ИЛОВА

АВ 23.09.2021 й. 3030-7-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Муддатли омонатнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот ВАРАҚАСИ*

Тижорат банкининг номи, расмий веб-сайти, телефон рақамлари	
---	--

1-бўлим. Омонатнинг асосий шартлари

1. Омонат номи	
2. Омонатнинг валютаси	
3. Омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси (агар омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси дифференциаллашган ёки омонатни расмийлаштириш услугига боғлиқ бўлса, ҳар бири алоҳида кўрсатилади)	

4. Омонат бўйича ҳисобланган фоизларни капитализацияси мавжудлиги (<i>ҳисобланган фоизни асосий маблағга қўшиб қайта фоиз ҳисоблаш</i>)	
5. Омонатнинг муддати	
6. Омонатга қўйиладиган маблағнинг энг кам миқдори (<i>агар мавжуд бўлса</i>)	
7. Омонат бўйича фоизларни тўлаш даврийлиги	
8. Омонатни расмийлаштириш усули (<i>онлайн ёки банкка ташириф буюриш орқали</i>)	
9. Қўшимча маблағ киритиш имконияти	
10. Автоузайтириш (<i>омонат муддати тугаганда омонат муддатини банк томонидан бир томонлама узайтириш</i>)	
11. Бошқа шартлар	

2-бўлим. Бошқа муҳим шартлар

1. Омонатга қўйилган пул маблағларини омонат муддати тугагунга қадар қисман ечиб олиш имкониятининг мавжудлиги	
2. Омонат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тартиби	

Омонат қўйишга рози бўлишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқинг!

Сиз омонатнинг шартлари, омонат бўйича фоиз даромадлари ва ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида, шунингдек ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингиз, Сизга тушунарсиз бўлган бошқа масалалар юзасидан банкдан тўлиқ ва батафсил маълумот олишга ҳақлисиз.

Агар Сизда шикоятлар мавжуд бўлса, у ҳолда Сиз мурожаатингизни (телефон рақами кўрсатилади) рақамли телефонга ёки (банкнинг почта манзили кўрсатилади) манзилга ёки (банкнинг электрон почтаси манзили кўрсатилади) электрон манзилга жўнатишингиз мумкин.

**АХБОРОТ ВАРАҚАСИНИНГ ТЎҒРИЛИГИ
ВА ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТАСДИҚЛАНАДИ.**

(банк мутахассисининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

тўлдирилган сана

*) Мазкур варақа омонат шартномаси ёки омонат олиш учун буюртманома ўрнини босмайди, аксинча турли банкларнинг омонат шартларини таққослашга ва керакли танловни амалга оширишга ёрдам беради.

Низомга
3а-ИЛОВА

АВ 14.07.2025 й. 3030-10-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Кредит картанинг асосий шартлари тўғрисидаги АХБОРОТ ВАРАҚАСИ*

Тижорат банкининг номи, расмий веб-сайти, телефон рақамлари		
1-бўлим. Кредит картанинг асосий шартлари		
1	Кредит картанинг номи	
2	Карта чиқарилган тўлов тизими (VISA, MasterCard, Нумо ва ҳоказолар)	
3	Кредит лимити (минимал ва максимал миқдори)	
4	Фоиз ставкаси (йиллик)	
	<i>а) харидлар қилганда (ва уларга тенглаштирилган операцияларга)</i>	
	<i>б) ўтказмаларни амалга оширганда (ва уларга тенглаштирилган операцияларга)</i>	
	<i>в) кредит картага ажратилган лимитни нақдлаштирганда (ва уларга тенглаштирилган операцияларга)</i>	
	<i>г) бошқа операцияларни амалга оширганда (юқорида кўрсатилмаган)</i>	
5	Кредит картанинг тўлиқ йиллик фоиз ставкаси (APR)	
6	Фоизсиз давр муддати (грейс период)	
7	Фоизсиз давр қандай операциялар учун амал қилади	
8	Фоизсиз давр қандай операциялар учун амал қилмайди	
9	Ҳар ойлик минимал тўлов	
10	Карта бўйича қарздорликни оралиқ тўлаш санаси ёки ушбу тўловни аниқлаш тартиби	

11	Амалга оширилган операциялар бўйича кўчирма бериш санаси ёки санани аниқлаш тартиби	
12	Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки муддати ўтган тўловлар бўйича жарима ва пенялар	
13	Кредит карта бўйича таъминот (агар мавжуд бўлса)	
14	Кредит картани расмийлаштириш усуллари ва муддати	
15	Кредит карта бўйича лимитдан воз кечиш усуллари ва муддати	
16	Кредит карта бўйича бошқа шартлар** (тикланувчан лимит шартлари, банк томонидан лимитни чеклаш ва бекор қилиш ва бошқалар) а) б) в) ...	
2-бўлим. Кредит карта бўйича тўловлар (комиссиялар)***		
1	Доимий муддатли тўловлар (ойлик абонент тўлови ва ҳоказолар)	
2	Харидларни амалга оширганда	
3	Бошқа картага (ҳисобварағга) ўтказмаларни амалга оширганда	
4	Кредит картага ажратилган лимитни нақдлаштирганда	
5	Бошқа операцияларни амалга оширганда	
6	Ўзбекистондан ташқаридаги транзакциялар (операциялар) бўйича	
7	Кредит карта бўйича қарздорликни тўлаш харажатлари	
8	Кредит карта ҳисобини тўлдирганда (бошқа банкнинг картаси, банк кассалари ва электрон ҳамён орқали тўлдириш харажатлари)	
9	Кредит картани: а) чиқарганда; б) қайта чиқарганда.	
10	Бошқа тўловлар**	

Кредит картани расмийлаштиришга рози бўлишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқинг!

Сиз кредит картанинг шартлари ва қиймати тўғрисида, тўловлар ва ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида (фоизлар, жарима ва пенялар), кредит карта шартномаси бўйича Сизнинг ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингиз тўғрисида, кредит карта шартномаси бўйича юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва жавобгарликлар тўғрисида, кредит картадан хавфсиз фойдаланиш тўғрисида, шунингдек Сизга тушунарсиз бўлган бошқа масалалар юзасидан банкдан тўлиқ ва батафсил маълумот олишга ҳақлисиз.

Агар Сизда шикоятлар мавжуд бўлса, у ҳолда Сиз мурожаатингизни (телефон рақами кўрсатилади) рақамли телефонга ёки (банкнинг почта манзили кўрсатилади) манзилга ёки

(банкнинг электрон почтаси манзили кўрсатилади) электрон манзилга жўнатишингиз мумкин.

АХБОРОТ ВАРАҚАСИНИНГ ТЎҒРИЛИГИ ВА ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТАСДИҚЛАНАДИ.	
_____ (банк мутахассисининг Ф.И.О. ва лавозими)	_____ (тўлдирилган сана)

*) Мазкур варақа кредит карта бўйича шартнома ёки кредит карта олиш учун буюртманома ўрнини босмайди, аксинча турли банкларнинг кредит карталари шартларини таққослашга ва керакли танловни амалга оширишга ёрдам беради.

***) Мазкур бандда банк хоҳишидан келиб чиқиб ўзи лозим деб топган шартларни ёки маълумотни акс эттиради.

****) 2-бўлимда қайд этилган комиссия ва тўловлар кредит картага ажратилган лимит маблағларидан фойдаланганлик учун ундирилади.

Низомга
36-ИЛОВА

АВ 28.10.2025 й. 3030-11-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Ўзбекистон Республикасидаги омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида АХБОРОТ

1.	_____ га (банк номи) жойлаштирилган омонатлар кафолатланиши	Банкдаги омонатлар Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади
2.	Омонатларни кафолатлаш асослари	Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни
3.	Кафолатлаш ҳодисаси	Банкнинг тугатилиши (ёпилиши)
4.	Кафолатланадиган омонатлар тури	Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, шу жумладан банк карталаридаги маблағлар, муддатли ва жамғарма омонатлар, шунингдек мазкур омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар
5.	Компенсация миқдори	Банк тугатилганда ҳар бир омонатчига, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, жами тўланадиган компенсация миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди

6.	Бир банкда омонатчининг бир нечта омонатлари мавжуд бўлган тақдирда тўланадиган компенсация миқдори	Омонатнинг миқдори ва валютасидан қатъи назар омонатчининг ушбу банкдаги ва унинг филиалларидаги барча омонатлари ҳисобланган фоизлар билан жамланади ва улар бўйича тўланадиган компенсациянинг умумий миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
7.	Бир нечта банк тугатилган ҳолда компенсация миқдори	Бир нечта банк тугатилган тақдирда, мазкур банкларда омонатлари мавжуд бўлган омонатчи ҳар бир банк бўйича алоҳида тартибда 200 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда компенсация олиш ҳуқуқига эга
8.	Компенсация тўлаш муддати	Банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 20 иш куни мобайнида: 2026 йил 1 январдан бошлаб - 15 иш куни; 2027 йил 1 январдан бошлаб - 7 иш куни.
9.	Компенсация тўланадиган валюта	Чет эл валютасида қўйилган омонатлар бўйича компенсация банк тугатилган (ёпилган) санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича миллий валютада (сўмда) тўланади
10.	Боғланиш учун маълумотлар	<i>Омонатларни кафолатлаш агентлигининг: манзили, телефон рақамлари, эл.почта манзили, веб-сайт манзили</i>

Омонатчи хабардор қилинди:

Сана ва имзо.

**Низомга
4-ИЛОВА**

АВ 11.10.2024 й. 3030-9-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

**Мурожаатларни кўриб чиқиш ва улар билан ишлаш
бўйича электрон ахборот тизимига қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР***

1. Мурожаатни рўйхатга олиш. Ахборот тизимида банкнинг бош офисига, худудлардаги бўлинмаларига (филиал ёки банк хизматлари офиси) келиб тушган мурожаатлар бўйича қуйидаги маълумотлар рўйхатга олинади:

- муурожаатнинг шакли (ёзма, электрон, оғзаки);
- муурожаатнинг тури (ариза, шикоят, таклиф);
- муурожаатнинг санаси ва рақами;
- муурожаатнинг банкка келиб тушган санаси;
- муурожаатнинг рўйхатга олиш санаси ва рақами;
- муурожаатга берилган идентификация рақами;

мурожаатни рўйхатга олган банк бўлинмасининг номи (филиал ёки банк хизматлари офиси) ва рақами, ходимнинг исми-шарифи ва лавозими;

мурожаат манбаси (мурожаат қилувчидан тўғридан тўғри, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси, Виртуал қабулхонаси, murojaat.gov.uz), Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, вазирлик, идоралар ва кўмиталар (номи кўрсатилиши керак), суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (номи кўрсатилиши керак), оммавий-ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари (номи кўрсатилиши керак) ва бошқа манбалар (банк лозим деб топган тақдирда манбалар рўйхати қўшимча қилиниши мумкин) орқали келиб тушган);

мурожаатнинг такрорийлиги, дубликатлиги ёки биринчи марталигини қайд этиш;

мурожаат қилувчининг шахси (жисмоний шахс, юридик шахс, тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда юритаётган жисмоний шахс);

мурожаат қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (юридик шахснинг номи ва унинг номидан имзолаган шахснинг Ф.И.О), мурожаат этувчини идентификация қилувчи маълумотлар (СТИР, мурожаат қилувчининг телефон рақами, электрон почтаси);

мурожаат вакил орқали берилганлиги (ҳа/йўқ) ҳамда вакилнинг Ф.И.О;

мурожаат қилувчи кичик тадбиркорлик субъекти эканлиги (ҳа/йўқ);

мурожаат қилувчининг (юридик шахс номидан имзолаган шахснинг) жинси (аёл/эркак);

мурожаат қилувчининг (юридик шахс номидан имзолаган шахснинг) ёши;

мурожаат қилувчининг яшаш манзили ва ҳудуди (юридик шахснинг манзили) (вилоят, туман ва бошқалар) белгилаш.

Мурожаатларни рўйхатга олиш - мурожаат келиб тушган банкнинг бош офиси ёки ҳудудлардаги бўлинмаларининг (филиал ёки банк хизматлари офиси) ваколат берилган масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Банкнинг бош офисига, ҳудудлардаги бўлинмаларига (филиал ёки банк хизматлари офиси) келиб тушган мурожаатлар бир марта рўйхатга олинishi лозим, яъни бош офисдан (юқори турувчи тузилмадан) кўриб чиқиш учун қуйи таркибий тузилмасига (филиал ёки банк хизматлари офиси) юборилган мурожаат ушбу таркибий тузилмаси томонидан рўйхатга олинмайди.

Бунда электрон ахборот тизимда банкнинг барча рўйхатга олган мурожаатлари ягона база сифатида банкнинг бош офисига кўриниб туриши керак.

Мурожаатни рўйхатга олишда тизим мурожаат қилувчининг исми-шарифини (СТИР) солиштириш орқали банк тизимига аввал ушбу мурожаат қилувчининг мурожаати мавжудлигини текширади ва натижаси бўйича маълумот тақдим этади. Шунга кўра, рўйхатга олувчи келиб тушган мурожаатни такрорийлиги, дубликатлиги ёки биринчи марталигини қайд этади.

2. Мурожаат мазмунини ёритиш. Бунда қуйидагилар инобатга олинishi керак:

мурожаатда келтирилган банк хизмати банкнинг қайси хизмат кўрсатиш канали (мобил илова, банк сайти, телефон, ижтимоий тармоқлар, банк агентлари, банк биноси ва бошқалар) орқали кўрсатилганлигини белгилаш;

мурожаатда қайд этилган банк хизмати (операция) турини (кредит, микрокредит, микроқарз, онлайн микроқарз, кредит карта, овердрафт, лизинг, истеъмол кредити, автокредит, ипотека кредити, таълим кредити, оилавий тадбиркорлик бўйича имтиёзли кредит, кафиллик, гаров, суғурта, омонат ва депозитлар, онлайн омонат, миллий валютадаги банк карталари, хорижий валютадаги банк карталари, валюта айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари, валюта амалиётлари, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш, касса хизматлари, бир марталик чакана тўловларни амалга ошириш, банкомат, мобил илова, веб-

сайт, call-марказ, мурожаат ва қабул масаласи, банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари, банк ходимларининг малакасини ва бошқалар) белгилаш;

мурожаатда кўтарилган масалаларни умумлаштириш мақсадида банк хизмати (операция) тури бўйича мурожаат масалалари рўйхатини шакллантириш ва уни танлаш имкониятини яратиш;

банкнинг масъул ходими томонидан мурожаат билан танишиб чиққан ҳолда "Рўйхат"га қўшимча равишда мурожаатда кўтарилган масала (муаммо) мазмунини (кўлда ёки дастурий таъминот орқали) киритиш;

мурожаатнинг pdf-файлини ёки/ва word матнини кўриш имкониятини яратиш;

мурожаатда қайд этилган банк номи;

мурожаатда қайд этилган банк тузилмасининг (бош офис, филиал ёки банк хизматлари офиси) номи, коди, уларнинг жойлашган манзилени (вилоят ва туман), мурожаатда келтирилган банк ходимлари исми-шарифини белгилаш.

Дастурнинг ушбу бўлими мурожаат келиб тушган банкнинг бош офиси ёки ҳудудлардаги бўлинмаларининг (филиал ёки банк хизматлари офиси) ваколат берилган масъул ходимлари томонидан тўлдирилади.

3. Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини ташкил этиш (мониторинг). Бунда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

мурожаатни бевосита кўриб чиқаётган таркибий тузилма ва ходимларни белгилаш;

мурожаатда кўтарилган масала (муаммо) юзасидан тааллуқли бўлган банкнинг бошқарув раиси ўринбосарини белгилаш;

мурожаат юзасидан ким билан ва қачон ёзишмалар олиб борилганлиги тўғрисида маълумотларни кўрсатиш, уларнинг pdf-файлини ёки/ва word матнини кўриш имкониятини яратиш;

мурожаатнинг кўриб чиқиш муддатини белгилаш;

мурожаатни кўриб чиқишни узайтирилган муддатини белгилаш;

мурожаатни кўриб чиқиш босқичи (кўриб чиқиш жараёнида, тўлиқ кўриб чиқилди).

Мурожаат кўриб чиқиш учун банкнинг Бош офисидан (юқори таркибий тузилмасидан) қуйи таркибий тузилмаларига дастурий таъминот орқали юборилиши ва ушбу ҳаракатларни дастурда амалга ошириш имконияти яратилиши керак.

Дастурнинг ушбу бўлимида келтирилган вазифаларни мурожаат келиб тушган банкнинг бош офиси ёки ҳудудлардаги бўлинмаларининг (филиал ёки банк хизматлари офиси) ваколат берилган масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

4. Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси. Бунда қуйидагиларни инобатга олиниши шарт:

а) мурожаатда келтирилган важларнинг тасдиқланганлиги ёки тасдиқланмаганлиги;

б) мурожаат қилувчининг ҳуқуқи бузилганлиги ҳолати (Бузилган/Бузилмаган);

в) мурожаат қилувчига юборилган жавоб хати рақами ва санаси;

мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг ҳамда мурожаатни ўрганиш давомида расмийлаштирилган тегишли ҳужжатларнинг (далолатнома, маълумотномаларнинг) pdf-файлини ёки/ва word матнини кўриш имкониятини яратиш;

г) мурожаатда келтирилган масалани ҳал этиш ҳолати:

қаноатлантирилган, масала қандай ҳал қилинганлигини тўлиқ ёритиш лозим;

қаноатлантириш рад этилган, рад этилганлигининг сабабларини ёритиш лозим;

тушунтириш берилган, тушунтиришнинг асосий жиҳатларини ёритиш лозим;

мурожаат ваколати доирасига кирмаслиги сабабли бошқа ташкилотга юборилган,

қайси ташкилотга юборилганлигини ва унинг сабабини ёритиш лозим;

мурожаатни кўрмай қолдириш ёки мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш бўйича қарор қабул қилинганлигини қайд этиш ва уларни расмийлаштириш ҳужжатларининг pdf-файлини ёки/ва word матнини кўриш имкониятини яратиш.

Дастурнинг ушбу бўлимини мурожаатни кўриб чиқаётган банкнинг бош офиси ёки худудлардаги бўлинмаларининг (филиал ёки банк хизматлари офиси) ваколат берилган масъул ходимлари томонидан тўлдирилади.

5. Мурожаат кўриб чиқилишини назорат қилиш. Бунда, қуйидагиларни инобатга олиниши шарт:

муурожаат кўриб чиқилишини муддат нуқтаи назаридан назорат қилиш (бунда тегишли ҳисобот шаклланиши ва ижро муддати яқинлашаётганлигини хабар берувчи маълумот чиқарилиши лозим);

муурожаатни кўриб чиқиш босқичи "кўриб чиқилди" жараёнидаги муурожаатлар қонунчиликка мувофиқ, мазмунан, тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилганлиги текширилади ва назоратдан чиқарилади. Акс ҳолда, муурожаат қайта кўриб чиқиш бўйича тегишли эътироз хати расмийлаштирилади.

Дастурий таъминотда муурожаатни қонунчилик ҳужжатларига риоя этмаган ҳолда кўриб чиққан банк ходимига кўрилган ҳар бир интизомий чоралар киритилиши лозим. Бунда ходимга кўрилган чоралар юзасидан чиқарилган бўйруқнинг pdf-файли билан танишиш имконияти бўлиши лозим.

Дастурнинг ушбу бўлимида келтирилган вазифаларни бош офисининг ваколат берилган масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

6. Мазкур дастурда банкка келиб тушган муурожаатларни таҳлил этиш, тегишли қарорлар қабул қилиш ва банкда тизимли камчиликларни аниқлаш учун тегишли (худуд, туман, филиал, банк хизматлари (маҳсулотлар) тури, муурожаат масалалари, давр, саналар ва бошқа кўрсаткичлар қирқимида таҳлилий) ҳисоботларни шакллантириш имкониятини берувчи функция яратилиши зарур.

Дастурнинг ушбу бўлимида келтирилган вазифаларни бош офисининг ваколат берилган масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

7. Электрон ахборот тизими тўлиқ ахборот хавфсизлиги таъминланган ҳолда юритилиши лозим.

***Изоҳ:** ахборот тизимида рўйхатга олиниши лозим бўлган, маълумотларни танлаш орқали кўрсатиш имконияти яратилади.*

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),
2018 йил 3 июль

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами",
2018 йил 9 июль, 27-сон, 553-модда

